

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 28 сентябрь-3 октябрь)**

№4

Тошкент – 2015

«DEFENSE JOURNAL»: «ЎЗБЕКИСТОН МЎЖИЗАСИ»

Покистонда нашр этиладиган “Defense Journal” журнаlining навбатдаги сониди “Ўзбекистон мўжизаси” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Покистон Марказий банки Таҳлил бошқармасининг етакчи эксперти Маҳмуд Ул-Ҳасан қаламига мансуб мазкур мақолада мамлакатимиздаги изчил ва мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, саноатнинг диверсификация қилиниши, банк тизимининг босқичма-босқич либераллашуви ҳамда уларнинг натижаси ўлароқ, аҳоли фаровонлигининг ошгани чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган. Мақолада ислохотларнинг асосий босқичлари, сўнгги йиллар давомидаги макроиқтисодий кўрсаткичларимиз ҳақидаги атрофлича маълумотлар ўз аксини топган. Журналда ёзилишича, Ўзбекистон суверен ривожланиш йиллари давомида ички ва ташқи қарзи паст даражадаги, фавқуллода муваффақият билан ривожланаётган мамлакатга айланди. Маълум қилинишича, Жаҳон банки маърузасида қайд этилганидек, дунё иқтисодиётидаги мураккаб тамойиллар ҳамон ўз таъсирини кўрсатиб турганига қарамасдан, республикада барқарорлик намоён бўлмоқда. Хусусан, саноатни ва инфратузилмани модернизациялаш, шунингдек, хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари қабул қилингани туфайли 2015 йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши доимгидек юқори бўлиши башорат қилинмоқда. Шунингдек, мақолада Ўзбекистоннинг чуқур ўйланган фаол сармоявий сиёсати ҳам юқори баҳо берилган. “Бу йўналишдаги стратегиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, хом ашё ресурслари чуқур қайта ишланишини таъминлайдиган янги, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни барпо этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ўтган йил якунлари бўйича иқтисодиётга сармоя киритиш ҳажми 10,9 фоиз ошгани ҳолда, 14,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди”, дея ёзилади нашрда. Муаллиф кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлайди. “Мустақиллик қўлга киритилгунгача кичик бизнес умуман бўлмаган республикада бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи иқтисодиётнинг шу жабҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда”. Мақолада мамлакатимиз банк тизимининг замонавий ривожланишига алоҳида бўлим ажратилган. Маълум қилинганидек, “Ўзбекистонда изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ислохотлар натижасида банкларнинг капиталлашув ва депозит базаси даражасининг юқори ўсиши, уларнинг барқарорлиги ва юқори рейтинг кўрсаткичлари ҳамда иқтисодиётнинг реал жабҳасини кредитлаш ҳажмлари кенгайиши таъминланмоқда”. Кейинги йиллар давомида дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари республика банк тизимини “Барқарор” деб баҳолаётгани ҳам мақолада алоҳида таъкидланган. “Standard & Poor’s” халқаро рейтинг агентлиги ҳисоботида қайд этилишича, МДҲ ҳудудидаги айрим мамлакатлар рейтинг кўрсаткичларида пасайиш кузатилаётган шароитда, Ўзбекистон банк тизимининг ҳолати “Барқарор”, деб баҳоланди”. Мухтасар айтганда, мазкур мақолада Покистон жамоатчилиги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг салмоқли натижалари ҳамда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақидаги атрофлича маълумотлар билан яқиндан таништирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар! Авваламбор, сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман. Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон — қаерда ишламасин, қандай касбу қор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва

ташаккурлар айтсак, арзийди. Мухтарам ўқитувчи ва муаллимлар! Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тарихан қисқа даврда, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва матонати билан дунё микёсида “ўзбек модели” деб тан олинган, ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини амалга оширганимиз ҳисобидан бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётгани барчамизга мамнунлик бағишлаб, яқин ва узоқ қўшниларимизнинг ҳавасини тортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Бундай барқарор суръатлар билан ривожланишга эришиш учун биз қандай оғир йўлни босиб, турли синов ва қийинчиликларни, ғов ва тўсиқларни енгиб ўтганимиз, бугунги юксак марраларни қўлга киритишда халқ қилувчи роль ўйнаган омил ва мезонлар ҳақида албатта кўп гапириш мумкин. Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича қандай улкан вазифаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли, деб ўйлайман. Ўз-ўзидан аёнки, биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало айни шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқиши муқаррар эди. Бундан 18 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, шу соҳада амалга оширган бошқа кенг қўламли ишларимиз нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборгани, ижобий маънодаги “портлаш эффекти”ни берганига бугун яққол гувоҳ бўлмоқдамиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Шу борада сизларга бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур, деб биламан. Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, уларни янада чуқурлаштиришда, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган янги таълим стандартлари ва дастурларини, дарслик ва методик қўлланмаларни яратишда, энг муҳими, болаларимизга замонавий таълим ва тарбия бериб, уларнинг қалбига, юрагига етиб боришда сиз, ҳурматли устоз-мураббийларнинг хизматларингиз нақадар беқиёс бўлганини халқимиз яхши билади ва юксак кадрлайди. Келажагимизни ҳал қиладиган ана шундай оламшумул ишга қўшган буюк ҳиссангиз учун ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва маслақдошларим бўлган сиз, азизлардан умрбод миннатдорман ва барчангизга чин қалбимдан таъзим қиламан. Ҳурматли дўстлар! Бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция қилинган 10 мингга яқин мактабларда, 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўқув юртларида янги таълим тизими асосида билим ва тарбия олиб, замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз муносиб ўрнини топмоқда, мамлакатимиз таълим моделининг самараси ва рақобатдошлигини халқаро майдонларда яққол намоён этмоқда. Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз юртимизда яратилган ноёб имкониятлардан баҳраманд бўлиб, илм-фан чўққиларини, хорижий тилларни, замон талаб қиладиган касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, она-Ватанимизга садоқатли, муносиб фарзандлар, унинг ишонган посбонлари, ҳимоячилари, биз бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлиб вояга етаётганини кўриш, уларнинг қувончига шерик бўлиш биз, ота-оналар, устозлар учун энг катта бахт эмасми? Қадрли юртдошлар! Бугун биз бошимиздан кечираётган XXI аср, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал салоҳият, интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, жаҳон бозоридаги рақобат қўлами ва кескинлиги тобора шафқатсиз тус олаётгани ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдида ғоят муҳим ва ўтқир талабларни қўймоқда. Бугун ҳаммамизга аён, ана шундай талабларни ҳисобга олиб, улар билан ҳамоҳанг бўлиб яшамасак, бутун борлигимизни шу йўлда сафарбар этмасак, ҳеч шубҳасиз, биз умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетишимиз муқаррар. Ҳозирги кунда замоннинг ўзи биздан эришган ютуқлар билан кифояланмасдан, янада юксак марралар сари қатъият билан боришни, шу йўлда ўз билим ва тажрибамизни, касб малакамиз ва маҳоратимизни муттасил бойитиб, такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу маънода, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мунтазам равишда замон талаблари

даражасига кўтариб бориш, педагогика университети ва институтларидаги ўқув жараёнларини танқидий баҳолаб, уларни юксак мезонлар асосида ташкил этиш, соҳага илғор таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, бир сўз билан айтганда, педагог кадрларнинг янги авлодини шакллантириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Нега деганда, ўз ишидан қоникмасдан, доимо янгиликка интилиб, билим ва малакасини ошириш устида ишлайдиган, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган ўқитувчи ва муаллимларгина ҳар томонлама етук инсонларни камол топтиришга қодир бўлади. Шу билан бирга, биз учун янги тизим бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг фаолиятини ташкилий-амалий, ўқув-методик жиҳатдан такомиллаштириш, шу мақсадда мавжуд ихтисослик йўналишларини қайта кўриб чиқиш, айнан мана шундай коллежларда таълим олаётган болаларимиз юртимизда барпо этилаётган, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилиб, жамиятимизда ўз ўрнини топиши учун **нафақат таълим соҳаси раҳбарлари, балки барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур**. Биз ўз олдимизга ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўйган эканмиз, ўз-ўзидан равшанки, уларни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда, олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилар таркибига, уларнинг илмий ва педагогик салоҳиятига боғлиқ. Бу борада олий ўқув юртлири раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражаси ва малакасини мутгасил ошириб бориш, уларни замонавий талаблар асосида қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида шу йил қабул қилинган Фармон бу ишларни янги сифат босқичига кўтаришга замин бўлади, деб ишонаман. Айни вақтда жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, хорижий университетларнинг мутахассислари иштирокида турли анжуман ва конференциялар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш домлаларимизнинг билим ва дунёқарабини кенгайтиришга, уларнинг малакасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Қадрли устозлар! Барчамизга аёнки, мафкура соҳасида ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Агар озгина бўшлиққа йўл қўйсак, уни албатта бизга ёт ва бегона бўлган кучлар эгаллаб олади. Ҳозирги кунда бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётгани, бизнинг ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга, динимизга мутлақо зид бўлган зарарли фикр ва ғояларни тарқатиш орқали ҳали дунёқараши мустаҳкам шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни ўзининг қабих тузоғига илинтириш учун турли марказлар томонидан қанча-қанча куч ва маблағлар сарфланаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига, болаларимизнинг келажагига қарши қаратилган таҳдидлар — бу халқаро терроризм ва экстремизм бўладими, гиёҳвандлик ёки “оммавий маданият” кўринишлари бўладими — бундай бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, ўғил-қизларимизни уларнинг ёвуз таъсиридан асраш, доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамизга айланмоқда. Бундай ўткир зарурат таълим-тарбия муассасаларининг ота-оналар, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар жамоатчилиги, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтиришни талаб этмоқда ва бу йўлда сизлар бундан буён ҳам ўз куч-ғайратингизни аямайсиз, деб ишонаман. Бизнинг асосий вазифамиз — ёш авлодга фақат билим беришдан иборат эмас, балки бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара оладиган, “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” деб, ўз ери, ўз юртига садоқат туйғуси билан яшайдиган, **Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган инсонларни тарбиялаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир**. Азизларим, қадрдонларим! Бугун мана шу ҳал қилувчи вазифаларни чуқур англаган, уларни амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган, чинакам фидойи муаллимлар, ўқитувчи ва домлалар сафи тобора кенгайиб бораётгани эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Шулар ҳақида гапирганда, бир фикрни мамнуният билан таъкидлашни истардим: мустақиллик йилларида самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимиз орасида ўқитувчи ва мураббийлар сони кўпчиликни ташкил этиши, ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизнинг сиз, азизларга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборининг амалий ифодасидир. Сизларнинг масъулиятли хизматингизни муносиб қадрлаш, фаолиятингизни янги босқичларга кўтариш учун зарур шароитларни яратиш масаласи бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлади, деб сиз, азизларни ишонтириб айтишга

бугун тўлик асосларимиз бор. Барчангизни кутлуғ айём — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, сизларга сихат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, бахту саодат, эзгу ишларингизда янгидан-янги ютуқ ва омадлар тилайман. Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан барака топинг, меҳрибон устозлар!

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗ ИЖОБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 29 сентябрь куни Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлди. Мамлакатимизнинг изчил тараққиёти, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самаралари Наманган вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Вилоят аҳли саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётир. Наманган шаҳридаги Истиклол кўчасида 8, Бобур кўчасида 16 кўп қаватли тураржой бинолари, кўплаб савдо ва маиший хизмат шохобчалари барпо этилди. Наманган халқаро аэропорти, “Яшил” деҳқон бозори реконструкция қилинди. Янги йўллар, сўлим хиёбонлар шаҳар чиройига чирой қўшди. Вилоятда 2015 йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,7 фоиз ўсди. Замонавий саноат тармоқларини ташкил этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш изчил давом этмоқда. 2013 — 2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 922 лойиҳа амалга оширилди. Президентимиз Наманган вилоятига сафарини Мингбулоқ туманидаги “Барака” фермер хўжалиги билан танишишдан бошлади. Жорий йилда вилоятда 79 минг гектар майдонда ғалла экилиб, 500 минг тоннага яқин ҳосил кўтарилди. Бугунги кунда 82 минг 600 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ерларнинг унумдорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасини “Барака” фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Фермер хўжалигида бу йил ғалланинг ҳар гектаридан ўртача 65 центнердан ҳосил олинди. Пахта далаларида ҳам юқори ҳосил етиштирилди. Ислон Каримов мазкур фермер хўжалиги даласида фермерлар билан суҳбатлашди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим мавсум бўлган шу кунларда сизлар билан дийдор кўришиш, ҳорманг деб, барчангизга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди Президентимиз. Илгари деҳқон етиштирган пахтасини тезроқ заводга топширишни, қандай қилиб бўлмасин режани бажаришни ўйларди. Пахтанинг нави, сифати, пахтакорнинг даромади ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Бугун сифатли пахта етиштиришдан, уни вақтида йиғиб-териб, юқори навларга топширишдан аввало фермерларнинг ўзи манфаатдор. Чунки қанча сифатли пахта тайёрласа, шунча кўп даромад топмоқда. Мулоқот чоғида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ривожини учун кенг имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам ушбу соҳа жадал раванқ топаётир. Кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 68,5 фоизни ташкил этмоқда. Улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 56,3 миллион доллар миқдоридagi маҳсулотлар экспорт қилинди. 17 минг 260 янги иш ўрни яратилди. Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барпо этишда шошма-шошарликка йўл қўймадик, маррани ким тезроқ эгаллайди, қабилидаги мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан

нусха олмадик. Чукур ва пухта ўйланган, машхур беш тамойилга асосланган, жаҳон миқёсида тараққиётнинг “Ўзбек модели” деб тан олинган дастурни босқичма-босқич амалга оширдик. Бунинг самарасини мамлакатимиз эришаётган улкан ютуқ ва марраларда кўриш мумкин, деди Президентимиз. Мамлакатимиз иқтисодиёти истиқлол йилларида 5,5 каррадан зиёд ўсгани, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, глобал молиявий-иқтисодий инкироз давом этаётганига қарамасдан, сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани алоҳида қайд этилди. Фақат ғалла ва пахта етиштириш билан юксак фаровонликка эришиб бўлмайди, деди Ислом Каримов. Доим изланиш, ўрганиш, дунё билан ҳамқадам бўлиш, янги марралар сари интилиш зарур. Қишлоқларда одамларга юқори даромад келтирадиган замонавий саноат корхоналарини кўпайтириш, иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартиришни изчил давом эттириш керак. Илгари ҳавас қилган мақсадларимизга бугун эришмоқдамиз. “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган эзгу ғоя одамларимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Бу барчамизга қанот, ўз кучимизга ишонч, айна чоғда қувонч бағишламоқда, деди Юртбошимиз. Президентимиз Уйчи туманидаги “Обод замин” фермер хўжалиги далаларига ҳам ташриф буюрди. Мазкур хўжалик ишчилари бу йил ғалладан 75 центнердан хирмон кўтарган. Шу кунларда етиштирилган мўл пахта ҳосили йиғиб-териб олинмоқда. Барча ҳудудларда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар шахару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда. Вилоятда ўтган йили 260, бу йил 140 намунавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Маҳалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди. Ободлик аввал қалбда туғилади — кўнгилдан бошланади. Инсон шуни мақсад қилиб, астойдил ҳаракат қилса, албатта рўёбга чиқади, деди Юртбошимиз. Бир неча йиллар олдин бошланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бугун яхлит индустрияга айланди. Бу уйларда одамлар яйраб яшамоқда. Энг муҳими, бундай уйларда яшаётганларнинг дунёқараши ҳам ўзгармоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдир. Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик шарофатидир. Айниқса, ёшларимиз ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиб, дадил интилаётгани, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини ғурурга тўлдираётир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритилаётган бундай улкан ютуқлардан ҳар биримиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз, деди давлатимиз раҳбари. Президентимиз куннинг иккинчи ярмида Фарғона вилоятига ташриф буюрди. Фарғона вилояти мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ислом Каримов Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш борасидаги ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012 — 2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида вилоят марказида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, йўллар, хиёбонлар бунёд этилаётир. Қарор ижроси бўйича Фарғона шаҳрининг қиёфасини замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ тубдан янгилаш, ижтимоий инфратузилма ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини комплекс ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳарда бунёдкорлик, ободонлаштириш, уй-жой коммунал, йўл хўжалиги ва транспорт хизматини, сув, электр энергияси, табиий газ таъминотини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Бугун мамлакатимизда замонавий шаҳарсозлик соҳасида эришилаётган улкан ютуқлар кўпчиликнинг ҳавасини тортмоқда. Иншоотлар, тураржой бинолари, ижтимоий инфратузилма объектлари, дам олиш ва зиё масканлари қурилишида миллий меъморлик анъаналари билан замонавий архитектурани уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар атрофи ландшафт дизайни асосида кўкаламзорлаштирилаётгани ҳар бир ҳудуд қиёфасига

ўзгача чирой бағишламоқда. Ислон Каримов Марғилон шахридаги “Наримтекс” қўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида вилоятда мазкур соҳа жадал тараққий этмоқда. Бугунги кунда вилоятда 18 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатиб, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 51,2 фоизга етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда хорижий инвестиция иштирокида 12 қўшма корхона ташкил этилди. Бунда қўшма корхоналарни модернизация қилиш борасида яратилаётган имтиёз ва кафолатлар ҳам муҳим омил бўлмоқда. Бу жараёнда пахтани қайта ишлаш ва тикувчиликка ихтисослаштирилган қўшма корхоналар эришаётган ютуқлар диққатга сазовордир. Бугунги кунда вилоятда “Наримтекс”, “Индорама Қўкон текстиль”, “Фарғона Турон текстиль”, “Бешариктекстиль” сингари илғор технологиялар асосида жиҳозланган кўплаб корхоналарда халқаро андозаларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бормоқда. “Наримтекс” қўшма корхонасида 2012 — 2015 йиллар мобайнида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар самарасида Германия, Италия, Туркия ва Хитойда ишлаб чиқарилган энг замонавий бичиш-тўқиш, пардозлаш жиҳозлари ва тикув машиналари ўрнатилди. Янги иш ўринлари яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва мазкур Фармон асосида шу йил 20 августда қабул қилинган Қонун тадбиркорлик фаолиятини ишончли ҳимоя қилиш ва жадал ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Президентимиз ички ва жаҳон бозорида муносиб ўрин топиш учун мунтазам изланиш, янги-янги маҳсулот турларини ўзлаштириш зарурлигини қайд этди. Бозор конъюнктурасини ўрганган ҳолда маҳсулот тайёрлаш, дизайн масалаларига эътиборни кучайтириш, энг асосийси, жаҳон бозорида ўз брендини яратиш лозим. — Бугун халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг замонавий кийинишга эҳтиёжи ва талаби тобора ошиб бормоқда, — деди Ислон Каримов. — Уларнинг ўсиб бораётган талабини юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий ва сифатли маҳсулотлар ҳисобидан қондириш муҳим вазифадир. Бунинг учун замонавий корхоналарни янада кўпайтириш, истеъдодли, замон ва бозор талабларини чуқур ҳис этадиган моҳир тадбиркорларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим. Ислон Каримов корхона ишчиларининг ҳаёти, корхонада яратилган шароитлар билан қизиқди. Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига сафари давом этмоқда.

АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Тошкент шахрида “Шаҳарнинг юқори технологияли инфратузилмаси” мавзuida Ўзбекистон — Япония конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Япония Ер, инфратузилма, транспорт ва сайёҳлик вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Таъкидландики, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳада, шу жумладан, иқтисодиёт, саноат ва юқори технологияли соҳаларда жадал ривожланиб борапти. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Дарҳақиқат, Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 2014 йил якунларига кўра, ўзаро савдо айланмаси 189,5 миллион АҚШ долларини ташкил этгани, Япония сармояси иштирокида энгил саноат, металлни қайта ишлаш, транспорт хизмати, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, машинасозлик каби соҳаларга ихтисослаштирилган кўплаб корхоналар ташкил этилиб, улар самарали фаолият юритаётгани бунинг яққол далилидир. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасида молиявий-техник ҳамкорлик кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Жалб этилаётган сармоялар эвазига соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт, телекоммуникация соҳаларининг ижтимоий аҳамияти юқори бўлган йирик лойиҳалари молиялаштирилмоқда. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 3,4 миллиард долларга етгани, айниқса, диққатга сазовордир. Шаҳарсозлик йўналишида Ўзбекистон

— Япония ҳамкорлигига бағишланган конференцияда, шунингдек, истиқлол йилларида мамлакатимизда шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий объектларни барпо этиш, аҳоли ва сайёҳларга қўшимча қулайликлар яратиш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар юқори баҳоланди. Нега деганда, булар шаҳарларнинг индустриал салоҳияти юксалиб, хорижий инвесторларнинг қизиқиши ортиши, иқтисодий алоқалар мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Сўзга чиққанлар қайд этганидек, юқори технологияли соҳалар, айниқса, шаҳарсозлик жабҳасида ўзаро тажриба алмашиш икки томонлама фойдали ва манфаатлидир. Шу боис тадбир иштирокчилари шубҳаларга бўлинган ҳолда, шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришда энг замонавий технологик ютуқларни қўллаш, транспорт инфратузилмаларида хавфсизликни таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан кенгрок фойдаланиш, қурилишнинг барқарорлаштириш усуллари қўллаш, табиий офатларнинг олдини олиш технологиялари масалалари юзасидан муҳокамаларни давом эттирдилар. Шу билан бирга, шаҳар инфратузилмасини тараққий эттириш бўйича юртимиз ва хорижий компанияларнинг тақдимотлари ўтказилиб, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш тамойиллари кўриб чиқилди. Айтиш жоизки, юртимизда ҳар бир шаҳарнинг бош режасини амалга ошириш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг бекиёс самараларини берапти. Бинобарин, унинг доирасида бажарилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари туфайли тарихий обидаларга уйғун равишда замонавий бино ва иншоотлар, равон йўллар, сўлим хиёбонлар қад ростламоқда. Япониялик ишбилармонлар замонавий шаҳарсозликда эришилаётган ушбу ютуқларимизни эътироф этар экан, йирик шаҳарлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш бўйича яқин ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини мамнуният билан изҳор этдилар. Япония ер, инфратузилма, транспорт ва сайёҳлик вазирининг парламентдаги ўринбосари Кейсукэ Сузуки бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий хўжалик суди судьялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, ҳуқуқшунослар, видеоконференцалоқа тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар хўжалик судлари судьялари иштирок этди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди. Хўжалик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача камайтирилди. Айни чоғда давлат органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқаролар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсларнинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш муддати 30 кундан 15 кунга қисқартирилди. Шунингдек, хўжалик судларига тааллуқли ишлар қўлами кенгайтирилиб,

меҳнатга оид низолардан ташқари барча корпоратив низолар хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши белгиланди. Хўжалик процессуал кодекси янги боб билан тўлдирилди. Ушбу Кодексга киритилган яна бир муҳим янгилик — хўжалик судларига даъво ни таъминлаш чораси сифатида давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг низолашилаётган ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилганидир. Солиқ кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан, шунингдек аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича хўжалик судларида давлат божини тўлашдан бутунлай озод қилинди. Солиқ кодексининг солиқ текширувини ўтказиш ва солиқ ҳуқуқбузарлиги учун молиявий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ моддаларига ҳам бир қатор янгиликлар киритилган бўлиб, бу ўзгаришлар суд органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини янада оширди. Пленум мажлиси муҳокамасига киритилган “Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси хўжалик судлари томонидан ишларни кўришда Хўжалик процессуал кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига киритилган янги нормаларнинг аниқ, бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган. Қарор лойиҳасида Олий хўжалик суди Пленумининг 10 та қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган. Унда корпоратив низоларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат божини тўлаш юзасидан имтиёзларни қўллаш, ишларни кўришда процессуал муддатларга риоя этиш, солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, молиявий санкция миқдорини ҳисоблаш усули, молиявий санкцияни қўллаш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар томонидан инобатга олиниши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан батафсил тушунтиришлар берилган. Мажлисида сўзга чиққанлар мазкур қарор тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутишини қайд этишди. Тадбирда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Абдуллаев иштирок этди.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А